
ФАРФОНА ҲАМДА РОССИЯНИНГ САМАРА ВИЛОЯТЛАРИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЯДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Тошкентда Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари кенгашининг биринчи йиғилишида иштирок этиш учун юртимизга келган Самара вилояти губернатори Дмитрий Азаров билан учрашув ўтказди.

Учрашувда икки вилоят ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, ижтимоий, маданий, туризм ва кўплаб соҳаларда ҳудудлараро амалий ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Бугун бўлиб ўтадиган Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари кенгашининг биринчи йиғилиши Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида ташкил этилмоқда.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-05-27 14:20:33